**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YER RESURSLARI, GEODEZIYA, KARTOGRAFIYA VA DAVLAT KADASTRI DAVLAT QOMITASI**

# TOSHKENT SHAHAR YER RESURSLARI VA DAVLAT KADASTRI BOSHQARMASI

**TOSHKENT SHAHAR YER TUZISH VA KO'CHMAS MULK KADASTRI DAVLAT KORXONASI**

# ЭСЛАТМА

## 1) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИДАН КЎЧИРМА.

**60-модда. Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш (ЎзР. 01.05.1998 й. 621-I-сон Қонуни т-р модда)**

Ердан, ер ости бойликларидан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, худди шунингдек **ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, - фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.**

## 2) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДАН КЎЧИРМА.

**229-1-модда. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш**

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади. (ЎзР. 20.08.1999 й. 832-I-сон Қонуни таҳриридаги санкция).

## 3) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИДАН КЎЧИРМА.

**212-модда. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатлари**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек **иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурили нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга-сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.** Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим, ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчм қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса эътироф этилиши мумкин. (ЎзР 27.08.2004 й. 671-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм). Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгилаган миқдорда қоплайди. Башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

## 4) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ҚОНУНИДАН КЎЧИРМА

**13-модда. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик ҳужжати ҳисобланади. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни давлат реестрларига киритиш йўли билан амалга оширилади. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кадастр объектларининг барча мулкдорлари ва кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари учун мажбурийдир.

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг расмий веб-сайти: www.kadastr.uz**

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**

«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»
Давлат корхонаси

TOSHKENT SHAHAR YER TUZISH VA KO'CHMAS MULK KADASTRI DAVLAT KORXONASINING MIRZO ULUG'BEK TUMAN FILIALIDA
RO'YXATDAN O'TKAZILGAN
MULKDOR (FOYDALANUVCHI) 2-1009-19-01189
OB'EKT
REESTR SONI 03 10 2019
RO'YXATGA OLUVCHI
(F.I.SH.) (IMZO)

«Тасдиқлайман»
Мирзо Улуғбек тумани
филиали бошлиғи
_________ Мансурова Г.Х.
« 03 » _________ 2019 йил

MIRZO ULUG'BEK TUMAN FILIALI

## КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИГА КАДАСТР ИШИ

**Юридик (жисмоний) шахс:** "QURILISHMASHLIZING" Республика ихтисослаштирилган лизинг компанияси акциядорлик жамияти

**Объект жойлашган манзил:** Мирзо Улуғбек тумани, Мустакиллик шох кўчаси, 105-уй

**Объект номи:** Маъмурий бино

**Иқтисодий зонаси:** 2

**Кадастр рақами:** **ер майдонига:** 10:09:02:01:02:0060
**бино- иншоотига:** 10:09:02:01:02:0060

**Ер участкасининг умумий майдони:** 2374 м$^2$

**Ижарага берилган ер участкасининг майдони:** 2359 м2 (15.0 м2 – майдони 30.0 м2 – бўлган 2 қаватли бинонинг 2 қавати қисми ва 2344.0 м2)

**Қўшимча маълумотлар:** Йўқ

**Бинолар сони:** Битта бино **иншоотлар сони:** Йўқ

### Ер майдони ва бино-иншоотга бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот

Мулк хуқуқи ёки бошқа хуқуқлар асосида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган:

Бинолар сони: Битта бино иншоотлар сони: Йўқ

Объектнинг реестр рақами: 2-1009-19-01189

Ҳуқуқни тури ер майдонига: ижара майдони

бино – иншоотига: мулк майдони 1908,0

### Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлган хужжатлар

19-9-00002087 сонли ер ижара шартномаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2019 йил 29-июлда 09-сон билан берилган мулк хуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери

Объект: Маъмурий бино

Манзили: Мирзо Улуғбек тумани, Мустакиллик шох кўчаси, 105-уй

Кадастр йиғма жилдини шакллантириш қуйидаги мутахассислар томонидан амалга оширилди.

1. Давлат рўйхатга олувчиси ёрдамчиси ______ (имзо) Исмаилов А.А. (Ф.И.Ш)

2. Туман филиали кўчмас мулк инвентаризатори ______ (имзо) Сирожитдинов А.С. (Ф.И.Ш)

3. Туман филиали топограф-техниги ______ (имзо) Камолов Э.Ғ. (Ф.И.Ш)

**«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»**
**Давлат корхонаси**




ЕР УЧАСТКАСИ ЧЕГАРАЛАРИНИ

ШАКЛ-ТАСВИРИ

Объект номи: Маъмурий бино
Манзили: Мирзо Улуғбек тумани,Мустакиллик шох кўчаси, 105-уй
Майдони: 2374 кв.м. Кадастр рақами: 10:09:02:01:02:0060
Нисбат:




Кўчмас мулк инвентаризатори:______________Сирожитдинов А.С.
(имзо)

**«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»**
**Давлат корхонаси**

Ер участкаси чегараларини аниқлаш ва келишиш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Объект номи: Маъмурий бино

Манзили: Мирзо Улуғбек тумани, Мустакиллик шох кўчаси, 105-уй

Кадастр рақами: 10:09:02:01:02:0060

Мен, "Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" Давлат корхонасининг Нотурар-жой бино-иншоотлари кадастр Мирзо Улуғбек тумани бўлими Сирожитдинов А.С. ер участкасидан фойдаланувчининг вакили билан биргаликда периметри бўйича умумий узинлиги 220 м. ва умумий майдони 2374 кв.м. бўлган ер участкасининг чегараларини аникладим.

Ер участкаси чегаралари қўшни ер участкалари ердан фойдаланучилари ёки уларнинг вакиллари билан келишилган (ер участкаси чегаралари тахминий чизмаси келтирилган).

| Қўшни ердан фойдаланувчининг номи | Исми ва шарифи | имзоси |
| --- | --- | --- |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

Ер участкаси чегараларини аниқлаб белгилашга ердан фойдаланувчи ва қўшни ер участкалари хуқуқ эгаларининг эътирозлари йўк.

Далолатнома Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси томонидан 2 нусҳада тайёрланади.

Кўчмас мулк инвентаризатори:______________Сирожитдинов А.С.
(имзо)

**«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»**
**Давлат корхонаси**

Ер участкаси бурилиш нуқталари ва чегараларининг таърифи.

Объект номи: Маъмурий бино

Манзили: Мирзо Улуғбек тумани, Мустакиллик шох кўчаси, 105-уй

Кадастр рақами: 10:09:02:01:02:0060

| Нуқталар | Геомаълумотлар | | Чегараларнинг таърифи |
|---|---|---|---|
| | узунлиги | бурчак | |
| н 1 | 26,36 | 166° 47' 49" | |
| н 2 | 2,39 | 71° 56' 40" | |
| н 3 | 3,56 | 167° 31' 25" | |
| н 4 | 0,21 | 255° 57' 50" | |
| н 5 | 0,97 | 167° 32' 06" | |
| н 6 | 6,57 | 252° 05' 21" | |
| н 7 | 26,38 | 162° 35' 44" | |
| н 8 | 27,64 | 258° 44' 05" | |
| н 9 | 13,15 | 249° 59' 40" | |
| н 10 | 0,47 | 343° 53' 12" | |
| н 11 | 23,34 | 343° 19' 10" | |
| н 12 | 6,79 | 252° 09' 09" | |
| н 13 | 4,40 | 342° 15' 55" | |
| н 14 | 6,99 | 72° 09' 42" | |
| н 15 | 14,02 | 345° 09' 39" | |
| н 16 | 2,21 | 345° 20' 08" | |
| н 17 | 7,93 | 338° 32' 51" | |
| н 18 | 46,75 | 69° 30' 51" | |

Кўчмас мулк инвентаризатори:______________ Сирожитдинов А.С.
(имзо)

**«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»**
**Давлат корхонаси**

ЕР УЧАСТКАСИ ЖОЙЛАШГАН ХУДУД ТАФСИЛОТИ

Мирзо Улубек тумани, Мустакиллик шох кўчаси, 105-уй




Нисбат: 1:2000

Кўчмас мулк инвентаризатори: ___________ Сирожитдинов А.С.
(имзо)

Мирзо Улугбек тумани

# "ЕРМУЛККАДАСТР" ДК

**Объект:** Маъмурий бино
**Манзили:** Мустакиллик кўчаси, 105-уй




Ер участкасининг умумий майдони - 2374.0 кв.м.

**Ижрочи:** Абдуалимов А.А.
**Техник-топограф:** Зияев А.Б.

**Нисбат 1:500**

**Кадастр суръати янгиланган сана :** II/2016й

4

**«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»**
**Давлат корхонаси**

# Бино ва иншоотлар ПАСПОРТИ

**«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»**
**Давлат корхонаси**

## БИНО ВА ИНШООТЛАР ХИСОБ ВАРАҚАСИ

**ОБЪЕКТ** Маъмурий бино

### 1.ҚУРИЛИШ МАЪЛУМОТЛАРИ:

1.1. Лойиха архитектура хизмати идоралари билан келишилгани хақида маълумотлар Тошкент шаҳар архитектура ва шахарсозлик кенгашининг 1998 йил 9-мартдаги 13-сонли баённомаси

1.2. Объектни лойиха бўйича номи Маъмурий бино

1.3. Лойиха институти НПЦ “ЭКОЛОГИЯ”

1.4. Смета қиймати 427 700 000 сўм аслида сарфлангани маълумот йўқ

1.5. Объектни эксплуатацияга қабул қилиш акти 2013 йил 14-июлдаги далолатномаси

1.6. Қурилган йили бошланиши: 1998 йил тугалланиши 2003 йил

1.7. Пудратчи ташкилот “VENO LTD” фирма конструкция тури темир/бетон каркас

1.8. Қаватлар сони 2 қаватли бино зилзилага бардоши 8 балл

1.9. Қурилиш остидаги майдони кв.м. 1006,0 кв.м.

### 2. ЎЛЧОВ МАЪЛУМОТЛАРИ:

2.1. Алохида бинолар сони (корпус, литер) Битта бино

2.2. Умумий майдони кв..м. 1908,0 кв.м. Фойдали майдони кв..м. 1600.39 кв.м.

2.3. Хужжатлар бўйича майдони кв.м. 1908,0 кв.м. Фарқи йўқ

2.4. Сабаби йўқ

2.5. Иншоотлар сони йўқ Иншоотлар умумий майдони кв..м. йўқ

2.6. Ўзбошимча қурилган бинолар йўқ умумий майдони кв..м. йўқ

2.7. Бошқа маълумотлар йўқ

### 3. МУХАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАР ТАЪМИНОТИ:

3.1. Электр таъминоти асосий (қўшимча) 220 В 3.2. Телефон бор (АТС борлиги)

3.3. Газ таъминоти бор 3.4. Сув таъминоти (иссиқ сув) бор (куввати, резервуарлар бор йўқлиги скважина в ах.)

3.5. Канализация (оқава) бор (марказий, махаллий) 3.6. Иссиқлик таъминоти: қуввати бор (марказий, махаллий ва бошқа)

3.7. Автомобиль (темир йўл) кириши умумий

### 4. МОЛИЯВИЙ - ИКТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАР:

4.1. Баланс қиймати Тақдим этилмаган

4.2. Далвт ордери бўйича қиймати 6 350 000 000 сўм

4.3. Бошқа маълумотлар йўқ



Кўчмас мулк инвентаризатори: ______________ Сирожитдинов А.С.
(имзо)

Объект: Маъмурий бино
Манзили: Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 105- уй

Литер 0001 - Маъмурий бино
1-кават тархи

**Нисбат 1:200**



Умумий майдони - 902.0 кв.м.
Фойдали майдони - 809.26 кв.м.

Ижрочи техник ________ Абдуалимов А.А.

Объект: Маъмурий бино
Манзили: Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 105- уй

Литер 0001 - Маъмурий бино
2-қават тархи

**Нисбат 1:200**



Умумий майдони - 1006.0 кв.м.
Фойдали майдони - 791.13 кв.м.

Ижрочи техник Абдуалимов А.А.

**«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»**
**Давлат корхонаси**

# ХОНАЛАРНИНГ ИЧКИ ЎЛЧАМ ҚАЙДНОМАСИ

Объект: Маъмурий бино

Манзили: Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 105-уй

Кадастр рақами: 10:09:02:01:02:0060

| Литер | Қават | Хоналар тартиб рақами | Хоналар номи | Баландлиги (H=) | Майдони (S=) |
|---|---|---|---|---|---|
| 0001 | 1-қават | 1. | Хона | 3.50 | 6.02 |
| | --//-- | 2. | Хона | 3.50 | 6.78 |
| | --//-- | 3. | Хона | 3.50 | 6.78 |
| | --//-- | 4. | Хона | 3.50 | 138.93 |
| | --//-- | 5. | Хона | 3.50 | 46.02 |
| | --//-- | 6. | Хона | 3.50 | 7.25 |
| | --//-- | 7. | Хона | 3.50 | 6.50 |
| | --//-- | 8. | Хона | 3.50 | 47.70 |
| | --//-- | 9. | Хона | 3.50 | 18.14 |
| | --//-- | 10. | Хона | 3.50 | 35.67 |
| | --//-- | 11. | Хона | 3.50 | 17.83 |
| | --//-- | 12. | Хона | 3.50 | 16.38 |
| | --//-- | 13. | Хона | 3.50 | 5.55 |
| | --//-- | 14. | Хона | 3.50 | 9.27 |
| | --//-- | 15. | Хона | 3.50 | 17.22 |
| | --//-- | 16. | Хона | 3.50 | 5.33 |
| | --//-- | 17. | Хона | 3.50 | 3.68 |
| | --//-- | 18. | Хона | 3.50 | 5.60 |
| | --//-- | 19. | Хона | 3.50 | 2.72 |
| | --//-- | 20. | Хона | 3.50 | 3.16 |
| | --//-- | 21. | Хона | 3.50 | 4.81 |
| | --//-- | 22. | Хона | 3.50 | 2.33 |
| | --//-- | 23. | Хона | 3.50 | 3.17 |
| | --//-- | 24. | Хона | 3.50 | 75.62 |
| | --//-- | 25. | Хона | 3.50 | 11.55 |
| | --//-- | 26. | Хона | 3.50 | 11.41 |
| | --//-- | 27. | Хона | 3.50 | 136.25 |
| | --//-- | 28. | Хона | 3.50 | 31.49 |
| | --//-- | 29. | Хона | 3.50 | 12.69 |
| | --//-- | 30. | Хона | 3.50 | 7.69 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | --//-- | 31. | Хона | 3.50 | 36.90 |
| | --//-- | 32. | Хона | 3.50 | 16.63 |
| | --//-- | 33. | Хона | 3.50 | 20.80 |
| | --//-- | 34. | Хона | 3.50 | 31.39 |
| | 2-қават | 1. | Хона | 3.50 | 93.69 |
| | --//-- | 2. | Хона | 3.50 | 19.76 |
| | --//-- | 3. | Хона | 3.50 | 51.83 |
| | --//-- | 4. | Хона | 3.50 | 16.52 |
| | --//-- | 5. | Хона | 3.50 | 10.92 |
| | --//-- | 6. | Хона | 3.50 | 6.15 |
| | --//-- | 7. | Хона | 3.50 | 50.85 |
| | --//-- | 8. | Хона | 3.50 | 9.57 |
| | --//-- | 9. | Хона | 3.50 | 18.90 |
| | --//-- | 10. | Хона | 3.50 | 5.16 |
| | --//-- | 11. | Хона | 3.50 | 61.48 |
| | --//-- | 12. | Хона | 3.50 | 10.16 |
| | --//-- | 13. | Хона | 3.50 | 35.88 |
| | --//-- | 14. | Хона | 3.50 | 34.17 |
| | --//-- | 15. | Хона | 3.50 | 11.74 |
| | --//-- | 16. | Хона | 3.50 | 3.16 |
| | --//-- | 17. | Хона | 3.50 | 7.56 |
| | --//-- | 18. | Хона | 3.50 | 3.68 |
| | --//-- | 19. | Хона | 3.50 | 8.80 |
| | --//-- | 20. | Хона | 3.50 | 57.27 |
| | --//-- | 21. | Хона | 3.50 | 17.94 |
| | --//-- | 22. | Хона | 3.50 | 95.92 |
| | --//-- | 23. | Хона | 3.50 | 10.93 |
| | --//-- | 24. | Хона | 3.50 | 42.53 |
| | --//-- | 25. | Хона | 3.50 | 25.93 |
| | --//-- | 26. | Хона | 3.50 | 29.01 |
| | --//-- | 27. | Хона | 3.50 | 30.96 |
| | --//-- | 28. | Хона | 3.50 | 20.66 |
| | | | Умумий фойдали майдони | | 1600.39 |

**«Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри»**
**Давлат корхонаси**

# ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ТАҚДИМ ҚИЛИНГАН ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

**Обьект номи:** Маъмурий бино

**Манзили:** Мирзо Улуғбек тумани, Мустакиллик шох кўчаси, 105-уй

**Бинолар сони:** Битта бино **Иншоотлар сони:** Йўқ

**Хуқуқий хужжатларга эга бўлган умумий майдони:** 1908.0 кв.м.

**Объектнинг аввалги реестр рақами:** 9-65/2016

**Қайта рўйхатдан ўтиш сабаби:** Давлат ордери

| № | Хужжатлар |
|---|---|
| 1 | 2019 йил «____»___________даги 19-9-00002087 сонли ер ижара шартномаси |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2019 йил 29-июлда 09-сон билан берилган мулк хуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери |

**Давлат мулки бўлган ер участкасига**

**19-9-00002087- сонли ижара шартномаси**

Тошкент шаҳри "03" 10 2019 й.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бундан буён "Ижарага берувчи" номидан амалдаги низом ва ваколатларга асосан, ҳаракат қилувчи Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бир томондан ва "Ижарага олувчи" деб номланувчи **"QURILISHMASHLIZING" Республика ихтисослаштирилган лизинг компанияси акциядорлик компанияси** иккинчи томондан, қуйидаги шартномани туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Тошкент шахар Хокимининг 2013 йил 31-декабрдаги 1068-сонли қарори асосида, "Ижарага берувчи" майдони **2358 (Икки минг уч юз эллик саккиз) кв.м.** бўлган **Мирзо Улуғбек тумани, Мустакиллик шох кўчаси, 105-уй** манзилида жойлашган ер участкасини ***5 (Беш)*** йил муддатга ижарага беради, "Ижарага олувчи" ижарага олади.

1.2. Ер участкасининг кадастр раками **10:09:02:01:02:0060**

Ер участкасининг иқтисодий зонаси **2**

"Ижарага олувчи"нинг ер участкаси чегаралари мазкур шартноманинг таркибий қисми бўлган ер тузиш кадастр йиғма жилдида келтирилган тарҳда белгиланган. Мазкур ер участкаси чегаралари тўғрисидаги тарх - ер участкасини топшириш – қабул қилиш далолатномаси кучига эга бўлган ҳужжат хисобланади.

1.3. Ер участкаси **Маъмурий бино** мақсади учун берилади.

## II. ИЖАРА ҲАҚИ.

2.1. Ер учун ижара ҳақи маҳаллий бюджетга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

2.2. Ижара ҳақининг миқдори йилига 1 кв.м. учун **12592.84** сўм этиб тайинланган ҳамда белгиланган ер солиғининг ставка миқдорига тенг бўлиб, йилига **29 693 916,72 (йигирма тўққиз миллион олти юз тўқсон уч минг тўққиз юз ўн олти сўм етмиш икки)тийин** ни ташкил этади.

Ер участкасини "Ижарага олувчи"да ер учун тўлов бўйича имтиёзлар мавжуд бўлган тақдирда, мазкур имтиёзларни қўллаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат солиқ органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.3. Ижара ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ер солиғи учун белгиланган миқдор ва тартибда пеня ундирилади.

2.4. Ер солиғининг ставкаси оширилган тақдирда, ижара ҳақининг миқдори шунга мутаносиб равишда оширилади. Бундай холларда мазкур ер ижара шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар расмийлаштирилмайди.

## III. ЕР УЧАСТКАСИНИ БЕРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Ер участкаси мазкур шартноманинг I-бандида кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланилиши лозим.

3.2. "Ижарага олувчи" ер участкасини фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирган тақдирда, ер участкасини тиклаш "Ижарага олувчи"нинг маблағи ҳисобига амалга оширилади.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 9-моддасига кўра ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқа тоифасига ўтказилиши, ерга эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли идоралар томонидан ерларнинг асосий фойдаланиш мақсади ўзгартирилган ҳолларда амалга оширилади.

## IV. ИЖАРАГА БЕРУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Ижарага берувчи” белгиланган тартибда қуйидагиларга ҳақлидир:

- ижарага берилган ер участкасига тўсиқсиз киришга;
- аварияли ва бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолда, авария ва махсус хизмат автотранспорт воситалари, техникаси, тегишли авария хизматлари ходимларининг ўтишига;
- магистрал муҳандислик коммуникацияларини ўтказишга (таъмирлашга);
- ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширишга;
- шартноманинг шартлари “Ижарага олувчи” томонидан бузилган ҳолларда, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши лозим бўлган тақдирда, мазкур шартномани бир тарафлама ўзгартириш ёки бекор қилишга;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатда ёки ер участкасининг ажратиб берилиши тўғрисидаги қарорда ер участкасига чеклашлар юклатилишини белгилашга;
- ер участкасида махсус текширув, қидирув ишларини амалга оширишга ва унинг таърифланган тархлари ва топосуратларини тузишга;
- ер ресурсларининг мониторингини амалга оширишга, ер участкасининг ҳақиқий ҳолати билан танишишга, “Ижарага олувчи” ва бошқа мансабдор шахслардан ер ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя қилиш масалалари бўйича изоҳлар олишга;
- бевосита меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган ҳолда бошқа ҳуқуқларга эга бўлишга.

“Ижарага берувчи” қуйидагиларга мажбурдир:

Ижарага олинган ер участкасини шартноманинг шартларига мос ҳолатда белгиланган муддатда тақдим этилишини таъминлашга.

## V. ИЖАРАГА ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. “Ижарага олувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ер участкасида унинг мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритишга;
- маҳаллий давлат ҳокимият органларининг қарорига кўра белгиланган тартибда турар-жой, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа бино ва иншоотларни қуриш, ер участкасининг мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузишни амалга оширишга;
- белгиланган ҳолларда, унга етказилган зарарларни қоплаб берилишига.

“Ижарага олувчи” Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга ҳам эгадир.

5.2.“Ижарага олувчи” қуйидагиларга мажбурдир:

- “Ижарага берувчи”га ижарага берилган ер бўлагига тўсиқсиз киришни таъминлашга;
- ижара ҳақини ўз вақтида тўлашга;
- ердан мақсадига мувофиқ оқилона фойдаланишга, ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилиш технологияларини қўллашга, ҳудудда ўз хўжалик фаолияти оқибатида экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймасликга;
- амалдаги ирригация ва мелиорация тармоқларини, муҳандислик коммуникацияларини, ободонлаштириш элементлари ва кўкаламзорлаштириш экинларини соз ҳолатда тутиб туришга;
- қонунчиликда кўзда тутилган - ерларни муҳофаза қилишга оид тадбирлар мажмуасини амалга оширишга;
- бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкаларининг ижарачилари ҳуқуқларини бузилмаслигига;
- қурилиш ва бошқа турдаги ишларни ўтказишда бузилган ерларни, улардан мақсадига кўра фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтиришга;

- берилган (реализация қилинган) ер участкаларидан ташқаридаги қишлоқ хўжалик ва бошқа унумдор ерларга салбий таъсирларнинг олдини олиш ёки мумкин қадар максимал чеклаш тадбирларини амалга оширишга;
- амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига ўз вақтида тақдим этишга;
- бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер бўлакларининг ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаб беришга;
- архитектура-шаҳарсозлик меъёрлари ва талабларига риоя қилишга, шу жумладан қурилиш учун рухсат олишга ва лойиҳани архитектура идоралари билан келишишга.

"Ижарага олувчи" қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## VI. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

6.1.Шартноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари бўлмаган мақсадлар учун берилган ер участкасидан икки йил давомида фойдаланмаслик;
- ижарага олинган ер бўлагини эгаллаб турган бино, иншоот ва бошқа қурилмаларга бўлган ҳуқуқларнинг "Ижарага олувчи"дан учинчи шахсга ўтиши натижасида, кўчмас мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқи пайдо бўлган шахс ўртасида ижара шартномаси тузилиши билан;

6.2. Шартнома амал қилишини тўхтатиш "Ижарага берувчи"нинг "Ижарага олувчи"ни шартномани бекор қилиш учун асос бўлган юқоридаги ҳолатлардан бирортасининг мавжудлигини (бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг ўтишидан ташқари) хабардор этиши билан расмийлаштирилади. Шундан сўнг, хабарнома юборилган пайтдан бошлаб бир ой ичида "Ижарага олувчи"дан ёзма эътирозлар келиб тушмаган тақдирда, шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади ва давлат регистрларига ер бўлагининг ижара ҳуқуқи тўхтатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилади. "Ижарага олувчи" юқоридаги асосларга кўра шартнома амал қилишини тўхтатишга рози бўлмаган ҳолда, шартноманинг бекор қилиниши суд тартибида амалга оширилади.

## VII. ЕР УЧАСТКАСИ ИЖАРА ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

7.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.2.Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;
- ер участкаси ижарага берилган муддати тугаганда;
- юридик шахс тугатилганда, жисмоний шахс вафот этганида;
- ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда;
- ер бўлагидан, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келувчи усуллар билан фойдаланилган тақдирда;
- ижара шартномаси билан белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам равишда тўланмай келинганда;
- ер участкаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Шартнома амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Томонлардан бири мазкур шартноманинг шартларини бажармаган ёки амалдаги қонунчиликни мунтазам равишда бузган ҳолларда, иккинчи томон белгиланган тартибда мазкур шартноманинг бекор қилиниши ва бошқа томонга етказилган зарарлар қопланишини талаб этишга ҳақлидир. Бартараф этилиши мумкин бўлган шартнома шартларининг бузилиши, ушбу шартноманинг сўзсиз бекор қилинишига олиб келмайди. Бир томон иккинчи томонни мазкур шартномани бекор қилиш мақсади тўғрисида ёзма равишда шартнома бекор қилинишининг

сабабларини асослаб берган ҳолда, бекор қилишнинг тахминий санасидан бир ой аввал хабардор этади.

## IX. НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

9.1. Мазкур шартномани амалга ошириш давомида юзага келадиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1.Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, улардан бири “Ижарага олувчи”га берилади, иккинчиси эса “Ижарага берувчи”да сақланади.

Мазкур шартнома тузилган вақтдан бошлаб кучга киради.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**ИЖАРАГА БЕРУВЧИ:**

**Юридик манзили:**

Тошкент 700011

Навоий кўчаси, 2а-уй

Телефон 239-35-09

**ИЖАРАГА ОЛУВЧИ:**

**Юридик манзили:**

______________________________

______________________________

Х/Р __________________________

Код __________________________

______________________________

Телефон _______________________

## ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси

____________________

М.Ў.

"QURILISHMASHLIZING" Республика ихтисослаштирилган лизинг компанияси акциядорлик компанияси

____________________

____________________

М.Ў.

Кўчмас мулк инвентаризатори: ______________Сирожитдинов А.С.
(имзо)

№ 000258

**МУЛК ҲУҚУҚИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ**

**ДАВЛАТ ОРДЕРИ**

№ 09

QURILISHMASHLIZING РИЛК акциядорлик жамияти га
(нодавлат юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

Мулкдорнинг манзили (яшаш жойи) Тошкент шахар, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шох кучаси, 105-уй

паспорт серияси ____ рақами __________ ким томонидан ва қачон

берилган ______________________
(жисмоний шахслар учун)

Банк ҳисобвараги ва банк бўлинмаси 20210000500393443001 УзР ТИФ "Миллий банк" ЯШНОбод тумани филиали, МФО 00847, СТИР 303059682, ОКЭД 77320
(нодавлат юридик шахс (ариза берувчи) учун)

6 350 000 000 / олти миллиард уч юз
қийматидаги эллик миллион/ сум
(суммаси сўз билан)

Тошкент шахар хокимлиги "Муниципал активларни бошкариш маркази" ДУК балансидаги Тошкент шахри, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шох кучаси, 105-уй манзилида жойлашган, ум.майдони 1908 кв.метрдан иборат булган маъмурий бино га мулк
(хусусийлаштирилган давлат мулкининг номи)

ҳуқуқи берилди.

Мазкур ордер Давлат активларини бошкариш агентлиги Тошкент шахар худудий бошкармаси
(ушбу ордерни берган давлат органининг номи)

томонидан 2019 йил 29 июлдаги 32-К-ПО-сонли буйрук ва 2017 йил 28 июлдаги 45-сонли олди-сотди шартномаси га асосан берилди.
(ордерни бериш асоси)

____ йил "___" __________ да ________ -сон ўзаро мажбуриятлар

тўғрисида битим тузилди.

Ордер берилган ва рўйхатдан ўтказилган сана 2019 йил 29 июл

Агентлик директори (директорнинг биринчи ўринбосари) (худудий орган бошлиғи) [signature] Б.А.Шакиров
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY BOSHQARMASI

Эҳтимоли бўлган ўзгаришлар ҳақидаги қайдлар
(фақат ордер берган давлат органи томонидан киритилади)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY BOSHQARMASI
DEVONXONA ASLIGA TO'G'RI

TOSHKENT SHAHAR YER TUZISH VA KO'CHMAS
MULK KADASTRI DAVLAT KORXONASINING
MIRZO ULUG'BEK TUMAN FILIALIDA
RO'YXATDAN O'TKAZILGAN
MULKDOR (FOYDALANUVCHI) 2-1009-19-01189
OB'EKT
REESTR SONI 03 10 2019 y.
RO'YXATGA OLUVCHI
(F.I.SH.) (imzo)

Экземпляр
«RILK «Qurilishmashlizing» AJ

**Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 105-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларни топшириш-қабул қилиш**
**Д А Л О Л А Т Н О М А С И**

Тошкент ш. « 19 » сентябр 2019й.

**Муниципал активларни бошқариш маркази вакиллари:**

Муниципал активларни бошқариш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари – С.Хакимов; Департамент бошлиғи – Р.Хакимжонов; Бош ҳисобчи – У.Мўминов; Муниципал нотурар жой объектларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи – А.Таджиев; Ижара бўлими бошлиғи – Б.Файзуллаев; Маъмурий биноларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи – С.Кодиров ва Юридик бўлими бошлиғи – М.Садыковлар бир томондан,

**РИЛК «Qurilishmashlizing» акциядорлик жамияти вакиллари:**

Бошқарув раиси – Ф.А.Абдурахимов, Бошқарув раиси ўринбосари – Н.Т.Тураев, Юридик хизмат бошлиғи – Р.А.Алиева, Бош ҳисобчи – М.Э.Гайбуллаев, Ташкилий назорат бўлими бошлиғи – М.М.Миразизов, МЛШАОМК бошқармаси бошлиғи – Ж.А.Халмухамедов ва СРЛЛЎТК бўлими бошлиғи – С.А.Ботиров иккинчи томондан, ушбу далолатномани қуйидагилар ҳақида тузиб имзоладилар:

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2017 йил 28 июлда 45-сон билан рўйхатга олинган олди-сотди шартномасининг 7.4. бандига ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг 2019 йил 29 июлдаги 9-сонли Давлат ордерига асосан, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 105-уй манзилида жойлашган умумий майдони 1908,00 кв.м.га тенг бўлган бино ва иншоотлар, Муниципал активларни бошқариш маркази балансидан РИЛК «Qurilishmashlizing» акциядорлик жамияти балансига топширилди.

Илова: Авизо.

| **ТОПШИРДИ**<br>**Муниципал активларни бошқариш маркази** | **ҚАБУЛ ҚИЛДИ**<br>**РИЛК «Qurilishmashlizing» акциядорлик жамияти** |
|---|---|
| **С.Хакимов** | **Ф.А.Абдурахимов** |
| **Р.Хакимжонов** | **Н.Т.Тураев** |
| **У.Мўминов** | **Р.А.Алиева** |
| **А.Таджиев** | **М.Э.Гайбуллаев** |
| **Б.Файзуллаев** | **М.М.Миразизов** |
| **С.Кодиров** | **Ж.А.Халмухамедов** |
| **М.Садыков** | **С.А.Ботиров** |
| м.п. | м.п. |

Экземпляр
«RILK «Qurilishmashlizing» AJ

# АВИЗО

Сана: 19.09.2019 № 34

Кимдан "Munitsipal aktivlarni boshqarish markazi" DUK

Кимга РИЛК "QURILISHMASHLIZING" акционерлик жамияти

(сум)

| №№ п/п | Манзил | Асос | Баланс киймати | Эскириш | Колдик киймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент ш. М.Улугбек тумани Мустакиллик шох кўчаси 105 - уй | 2019 йил 29 июль Давлат активларни бошқариш агентлиги Тошкент ш.худудий бошқармаси 09 - сонли давлат ордери | **6 350 000 000,00** | **0,00** | **6 350 000 000,00** |
| итого : | | | **6 350 000 000,00** | **0,00** | **6 350 000 000,00** |

Топширдилар:

Бошлик М.М.Абдурахманов

М.П.

Бош хисобчи У.А.Муминов

Кабул килдилар:

Бошкарув раиси Ф.А.Абдурахимов

М.П.

Бош хисобчи М.Е.Гайбуллаев